

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2024 йил февраль ойининг 23 куни, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси З.Жумаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Ўроқовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ж.Фармонов, судланувчи Муфтиллаев Сойиб Тангриевич, Муфтиллоева Сабрия Тангриевна ва уларнинг ҳимоячиси-адвокат Ш.Суюнов, марҳумнинг қонуний вакили Р.Абруевнинг иштирокида, Муфтиллаев Сойиб Тангриевич ва Муфтиллоева Сабрия Тангриевналарга нисбатан №1-1809-2302/218-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Муфтиллаев Сойиб Тангриевич (Muftillayev Soyib Tangriyevich), 1980 йил 10 январь куни Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Косон тумани, “Арабхона” МФЙ, Шухрат кўчаси, 8-уйда яшаган, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган, 2023 йил 4 август куни ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 6 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан;

Муфтиллоева Сабрия Тангриевна (Muftilloyeva Sabriya Tangriyevna), 1968 йил 5 октябрь куни Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, турмушга чиқмаган, муқаддам судланмаган, нафақада, Косон тумани, “Арабхона” МФЙ, Шухрат кўчаси, 8-уйда яшайди, унга нисбатан уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 6 октябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар, марҳумнинг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Муфтиллаев Сойиб Тангриевич ва Муфтиллоева Сабрия Тангриевна ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, қуйидаги ҳолатларда ўзини-ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятини қасддан содир қилишган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 06.05.1995 йилдаги Қарори билан Ўзбекистон Республикаси 18.12.1979 йилдаги



“Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги халқаро Конвенцияга қўшилган бўлиб, шу Конвенция шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг 02.09.2019 йилдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, бу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари жамиятда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилинишини таъминлаш, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш этиб белгиланган.

Айнан шу Қонунда зўравонлик бу-хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат, деб, руҳий зўравонлик эса, хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга туҳмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек, уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан, репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик), деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигини қатъий тарзда амалга ошириш, уларни турли шаклдаги зўравонлик ва тазйиқлардан ҳимоялаш мақсадида ҳуқуқий механизмлар яратилган бўлишига қарамасдан, С.Муфтиллаев ва С.Муфтиллоевалар ушбу қонун талабларига мутлақо зид равишда ҳаёт кечиришиб, уларни назар-писанд қилмасдан, 2006 йил 02 октябрь куни С.Муфтиллаев З.Абруева билан қонуний никоҳдан ўтиб, биргаликда яшаб келишлари давомида икки нафар фарзандлари, яъни 12.11.2007 йилда туғилган Тангриева Сабрина Сойиб қизи ва 26.03.2010 йилда туғилган Тангриев Сардор Сойиб ўғлининг тарбиясига бефарқ бўлиб, 2021 йилнинг январь ойидан 2023 йилнинг 10 май кунига қадар С.Муфтиллаев ва С.Муфтуллоевалар билан биргаликда З.Абруевага муттасил равишда жисмоний ва руҳий азоб бериш йўли билан хўрлаб-камситиб, қийнаб, ҳақоратлаб келишган.

Жумладан, С.Муфтиллаев ўзига моддий ва бошқа жиҳатлардан қарам ҳамда бевосита қарамоғида бўлган турмуш ўртоғи З.Абруеванинг ҳар бир ишидан камчилик қидириб, 2021 йилнинг январь ойидан 2023 йилнинг 10 май кунига қадар бўлган даврда турмуш ўртоғи унга қарамаётганлиги, кийимларини ювмаётганлиги, хотинлик вазифасини бажармаётганлиги каби арзимас сабабларни рўқач қилиб, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда касмитиб, раҳмсиз муомалада бўлиб, унга “Сени тилинг ёмон, бошқа аёлга уйланаман, сени керагинг йўқ, қўлингдан бир иш



келмайди” деб, у билан атайлаб жанжал чиқариб, руҳий азоб бериб, ота-онасини уйига кетишини талаб қилиб келган.

Бундан ташқари, С.Муфтиллоева келини З.Абруеванинг ҳар бир ишидан камчилик қидириб, 2021 йилнинг январь ойидан 2023 йилнинг 10 май кунига қадар бўлган даврда укасига қарамаётганлиги, кийимларини ювмаётганлиги, хотинлик вазифасини бажармаётганлиги каби арзимас сабабларни рўқач қилиб, бу ҳақида яқин қариндошлари ва қўшниларига овоза қилиб, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда касмитиб, раҳмсиз муомалада бўлиб, унга “Сенга уй йўқ, уй онамники, акам Бобошариф ўғлини олиб келади, укамни сен билан яшатмайман, уни бошқа аёлга уйлантираман, уйдан чиқиб кет” деб у билан атайлаб жанжал чиқариб, руҳий азоб бериб, ота-онасини уйига кетишини талаб қилиб келган.

Бундан ташқари, С.Муфтиллаев ва С.Муфтиллоевалар жиноий қилмишларини давом эттиришиб, З.Абруевага янада кўпроқ руҳий азоб бериш, уни ўзи хохиши билан яшаш уйдан чиқиб кетишига эришиш мақсадида, 2021 йил январь ойида С.Муфтиллаев С.Муфтиллоевага “Опа мен бошқа аёлга уйланаман, келинингиз менга керак эмас, менга бошқа аёл топинг, келинизга ҳам буни тушунтиринг” деб айтганлиги сабабли, С.Муфтуллоева шу кунидан бошлаб, 2023 йил 10 май кунига қадар З.Абруевани уйдан чиқариб юбориш ва бошқа келин топиш мақсадида укаси С.Муфтиллаев яшаш уйида бўлмаган вақтларда келини З.Абруеванинг ҳар бир ишидан камчилик топиб, у билан жанжал чиқариб, фарзандларининг кўз ўнгида уни турли сўзлар билан ҳақорат қилиб, “Укамни бошқа аёлга уйлантираман, унга қарай олмаяпсан, уни оздириб юбординг, бошқа аёлни уйга олиб келаман, сен бу уйдан чиқиб кетасан” деб айтиб, унга раҳимсиз муомалада бўлиб, укаси С.Муфтиллаевга бошқа аёл излаб, шу давр оралиғида қариндошларига келини умуман рўзғор ишларини қилмаслигини айтиб ёмонлаб, муттасил равишда уни қариндошларининг олдида обрўсизлантириб, шаъни ва қадр-қимматини камситиб келишган.

Бундан ташқари, С.Муфтиллоева ўзининг жиноий қилмишларини давом эттириб, укаси С.Муфтуллаев ҳар ойда бир марта уйига келиб кетиши келини ва жиянларини ҳолидан хабар олмасдан, уларни моддий таъминламасдан келаётганлиги 26.03.2010 йилда уғилган вояга етмаган фарзанди С.Тангриев касал эканлиги сабабли, 2022 йил март ойида “Арабхона” маҳалла фуқаролар йиғинига моддий ёрдам беришни сўраб чиққан З.Абруевани маҳалла раиси ва фаоллари унга “қариндошларимни моли кўп улар моддий ёрдамга муҳтож эмас” деб қайтариб юборганлигини эшитиб, келинига “сен бизларни шарманда қилдинг, кет йўқол уйга кирмайсан” деб айтиб, уни уйга киритмасдан, уятли сўзлар билан ҳақоратлаб, шаъни ва қадр-қимматини камситган.

Шунингдек, С.Муфтиллаев ва С.Муфтуллоевалар жиноий қилмишларини давом эттиришиб, З.Абруевага янада кўпроқ руҳий азоб



бериш, қариндош-уруғлар олдида уни камситиш мақсадида, 2023 йилнинг январь ойида С.Муфтуллаев Косон тумани “Арабхолна” МФЙда яшовчи жияни И.Тангриев ва унинг турмуш ўртоғи Г.Шердановага “хотиним Зилола менга умуман қарамайди, холимдан хабар олмайди, иссиқ овқат қилиб бермайди, бошқа аёлга уйланаман, аёл топишда ёрдамлашинг” деб айтиб, гўёки З.Абруеванинг бунга розилиги ҳақида ёлгон гап тарқатиб, шу давр оралиғида қариндошларига турмуш ўртоғи умуман рўзғор ишларини қилмаслигини, у билан яқин муносабатда бўлмаслигини айтиб ёмонлаб, муттасил равишда уни қариндошларининг олдида обрўсизлантириб, шаъни ва қадр-қимматини камситиб келишган.

Натижада, И.Тангриев ва унинг турмуш ўртоғи Г.Шерданова қариндоши С.Муфтиллаев ва унинг опаси С.Муфтуллоеваларнинг 2023 йил март-май ойларида тинимсиз равишда уларга қўнғироқ қилишиб, яшаш уйига келиб, қўярга-қўймай аёл топиб бериш ҳақидаги талабига асосан Косон тумани, “Шодлик” МФЙ, Қипчоқ қишлоғи, 37-уйда яшовчи Жураева Севара Ашуровна топиб беришган.

Шундан сўнг, С.Муфтиллаев ўзининг опалари Г.Муфтиллаева ва Х.Муфтиллаеваларни 2023 йил 8 май куни соат 12:00 ларда С.Жураеванинг яшаш уйига совчиликка жўнатиб, С.Жураева ва унинг ота-онаси уларга “қизимизни укангизга беролмаймиз, унинг оиласи бор, оиласини бузишни хохламаймиз, болалари етим бўлиб қолишини, оиласи бузилишини хохламаслигини” айтиб, рад жавоб беришганлигини опаларидан билган бўлса-да, С.Муфтиллаев жиноий шериги С.Муфтуллоева билан ягона мақсадга йўналтирилган жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2023 йил 9 май куни соат 13:30 ларда З.Абруевага раҳмсиз муомала қилиш, руҳий азоб бериш, унинг аёллик шаъни, ғурурини, қадр-қимматини камситиш мақсадида гўёки совчиликка боришган уй эгалари рози бўлишганлиги, 10.05.2023 йилда уйга келиб, хоналарни кўриб кетишилари, уйда турмуш ўртоғи бор-йўқлигини кўриб кетишлари ҳақидаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган уйдирма гапларни айтиб, унга бу уйдаги охириги куни эканлиги, эртага уйдан чиқиб, ота-онасининг уйига кетишини талаб қилиб, жанжал қилишиб, муносабатлари бузилмаслигини ўйлаб, турмуш ўртоғи ва қайнопасининг хатти-ҳаракатларини ҳеч кимга айтмасдан андиша қилиб келган З.Абруеванинг қадр-қимматини янада таҳқирлаш мақсадида унинг онаси Ш.Давроновага қўнғироқ қилиб, унга “қизингизни олиб кетинг, эртага совчилар келади, уйни бўшатиб қўйсин” деб айтган бўлса-да, Ш.Давронова унинг қилмишларига кўз юмиб, қизига сабр қилишини айтган.

Бу гапларни эшитиб турган З.Абруеванинг вояга етмаган фарзанди С.Тангриева тушкунликка тушиб, ўзининг уйига онасини сиғдиришмаётганлиги, уни таҳқирлаб, раҳмсиз муомала қилишиб, руҳий азоб беришаётганлигидан жаҳли чиқиб, барча кийимларини йиғиштириб, бувиси Ш.Давронованинг яшаш уйига кетишга тайёрланаётган вақтда онаси З.Абруева унинг ёнига келиб, тилла тақинчоқларининг барчасини



қизига бериб, “Уканга қарагин, мен кун кўрмадим, сизлар яхши яшанглар, укангни отанга берма, менга бирор нарса бўлса, тоғанг қарайди сизларга” деб айтиб, унинг кийимларини йиғиштиришда ёрдам бериб, онаси Ш.Давронованинг уйига жўнатиб юборган.

Шунингдек, С.Муфтиллаев жиноий шериги С.Муфтуллоева билан ягона мақсадга йўналтирилган жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2023 йил 9 май куни соат 23:20 ларда З.Абруеванинг билан келинининг руҳиятига таъсир қилиш, руҳий азоб бериш, тезроқ уни уйдан чиқариб юбориш мақсадида З.Абруеванинг яшаш уйини айвонида болаларининг кийимларини юваётганлигидан фойдаланиб, унинг олдида келиб, унга тинчлик бермаслик, қийнаб, фарзандлари билан яшаш уйдан ҳайдаб юбориш мақсадида “уйдан кетсанг кет, биз эртага аёлни уйга олиб келамиз” деб айтиб, уни ҳақоратлаб, қариндошлари И.Муфтиллаев ва бошқаларнинг олдида унинг фаросатсизлигини айтиб камситиб, паст назарда қараб, унга руҳий азоб бериб камситган.

Оқибатда, З.Абруева турмуш ўртоғи С.Муфтиллаев ва қайнопаси С.Муфтуллоеваларнинг доимий равишда раҳмсиз муомала қилиши, азоб берганлиги, унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиб келганлигига чидай олмасдан 2023 йил 9 май кунидан 10 май кунига ўтар кечаси соат 2:00 ларда вояга етмаган ўғли С.Тангриевга “Мен ўлсам менинг ўлигимни бу ҳовлидан эмас, бувингни уйдан олиб чиқаринглар” деб айтиб, унинг жойини тўшаб бериб, ухлатиб, яшаш уйига бошқа аёл келган тақдирда унинг хоналаридан фойдаланмаслигини кўзлаб, соат 03:10 ларда бошқа бир яшаш хонага кириб, 5 кг. хажмдаги пропан газ баллонни музлатгичнинг ичига қўйиб, газ сизиб чиқиши учун жумрак қисмини очиб қўйиб, хонанинг ёғоч устунидаги сим кабел билан ўзини-ўзи осиб вафот этган.

Шундан сўнг 5 кг. хажмдаги газ баллонидан сизиб чиққан пропан газ хонанинг ички қисмида газ ҳаво аралашмасининг 5-15 фоиз нисбатида тўпланиб, совутгичнинг бошқарув релесининг ишга тушиши жараёнида ажралиб чиққан электр учкун билан таъсирланиши натижасида портлаш содир бўлиб, хона ёнғин содир бўлган.

Суд тиббий экспертизанинг 09.06.2023 йилдаги 147-мурда-сонли хулосасида, З.Абруева ўлими - бўйин аъзолари ва юмшоқ тўқималарини сиртмоқ билан қисилиши, бўйин соҳасидаги странгуляцион эгат шилинмаси, бўйин мушакларига ва бронх атроф юмшоқ тўқималарига қон қуйилишлари натижасида вужудга келган механик асфиксиядан (осилишдан келиб чиққан бўлиши мумкинлиги) юз берганлиги, унинг ўлими суд-тиббий экспертизасигача бўлган 7 - 10 соат вақтда юз берганлиги, мурда танасида аниқланган “Танани 100 % юзасини 3-4 даражали термик куйиши, баъзи суякларининг кумирланиши” каби жароҳатлари юқори ҳароратнинг, жумладан алангани таъсиридан юзага келган, бу жароҳати ўз характери ва хусусиятига кўра ҳам улар марҳуманинг ўлиmidан сўнг юзага келган эҳтимолдан ҳоли этилмаслиги



ва ўлими сабаби билан боғлиқликка эга эмаслиги, З.Абруеванинг мурдаси оғиз бўшлиғидан, қин тубидан ва орқа чиқарув тешиги атрофидан олинган суртмалари суд-биологик текширувидан ўтказилганида уларда сперматозоидлар, яъни эркаклик насли топилмаганлиги аниқланган.

Одам ДНКси суд биологик экспертизасининг 14.06.2023 йилдаги 29/7827-сонли хулосасида, суд тиббий экспертиза вақтида ёнғин содир бўлган жойдан топилган аёл жинсига мансуб мурданинг елка соҳасидаги суюгининг фуқаро Р.Абруевга нисбатан опа-укалиги, З.Абруевага нисбатан опа-сингиллиги ва З.Абруевга нисбатан опа-акалиги, С.Тангриев ва С.Тангриеваларга нисбатан биологик оналиги 99,9 фоиз эхтимолий даражасига тенглиги аниқланган.

Суд кимёвий экспертизанинг 16.06.2023 йилдаги 29/8058-сонли хулосасида, З.Абруева ўлими содир бўлган жойдан олинган ёнғин қолдиқларида нефт махсулотларининг, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларнинг ҳамда ёнилғи мойлаш материалларининг излари аниқланмаган.

Суд ёнғин техникавий экспертизасининг 16.06.2023 йилдаги хулосасида, Косон тумани, “Арабхона” МФЙ, Шухрат кўчаси 8-уйда қирилганида ўнг томондаги қўшимча хонасида газ ҳаво аралашмасининг бир зумда алангаланиш (портлаш) содир бўлган ҳамда унинг натижасида юзага келган ёнғин хонанинг ички қисми узра тарқалганлиги, ёнғиннинг келиб чиқишига нефт махсулотлари, енгил алангаланувчи, ёнувчи суюқликлар ва ёнилғи-мойлаш материалларининг алоқаси бўлмаганлиги, тақдим қилинган электр симларида қисқа туташув аломатлари мавжуд эмаслиги, ёнғиннинг келиб чиқишига газ мосламалари (газ баллон)нинг носозлигининг алоқаси бўлмаганлиги, ушбу ёнғин (портлаш) экспертизага тақдим қилинган 5 кг. хажмдаги газ баллонидан сизиб чиққан пропан газ хонанинг ички қисмида газ ҳаво аралашмасининг 5-15 фоиз нисбатида тўпланиб, совутгичнинг бошқарув релесининг ишга тушиш жараёнида ажралиб чиққан электр учқун билан таъсирланиши натижасида келиб чиққан бўлиши мумкинлиги ҳамда газ баллондан сизиб чиққан ёнувчи гази ёнғинни ривожланишига сабаб бўлганлиги аниқланган.

Судга оид трасология экспертизасининг 10.05.2023 йилдаги 278-сонли хулосасида, З.Абруевани жасадининг бўйин соҳасидан олинган устки қисми қора рангли полимер қопламали, сариқ рангли металдан ишланган сим бўлагида шикастланиш ишлари мавжудлиги, ушбу шикастланиш ўткир жисм ёрдамида қолдирилганлиги, мазкур сим бўлақларида куйишдан қолган шикастланиш ишлари мавжудлиги, сим бўлагида тугун мавжуд бўлиб, ушбу тугун ташқи куч таъсирида курмак боғлаш усулида ҳосил бўлганлиги, сим бўлақлари бир бутунликни ташкил этиши аниқланган.

Қўшимча суд тиббий экспертизанинг 27.06.2023 йилдаги 47-қўш сонли хулосасида, З.Абруева ўлими - бўйин аъзолари ва юмшоқ



тўқималарини сиртмоқ билан қисилиши, бўйин соҳасидаги странгуляцион эгат шилинмаси, бўйин мушакларига ва бронх атроф юшоқ тўқималарига қон қуйилишлари натижасида вужудга келган механик асфиксиядан юз берганлиги, мазкур ҳолатда сим проводанинг ўралиш услуби, яъни мурданинг бўйин соҳасига икки марта ўралиб, бўйин чап ёнбош соҳасида кўрмак қилиб боғланишида сим проводанинг тўлиқ қисилиши натижасида бўйин соҳасидаги странгуляцион эгат бир текисликда жойлашиб қолганлиги, жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатлар ва мурданинг бўйин соҳасида аниқланган странгуляцион эгат шилинмаси осилиш оқибати юзага келган бўлиши мумкинлигини эхтимолдан ҳоли этмаслиги, мурда танаси ташқи томондан 4-даражали куйиб кетганлиги сабабли бўғилишга хос белгилар аниқланмаганлиги, мурда ички текширувида эса бўғилишга хос белгилар аниқланмаганлиги қайд қилинган.

Қарши Давлат университетининг психология кафедраси томонидан 21.07.2023 йилда берилган хулосада, марҳума З.Абруеванинг ўз жонига қасд қилиб, ўзини-ўзи осган вақтида стресс ҳолатида бўлганлиги, унинг ўз жонига қасд қилишига турмуш ўртоғи ва қайнопаси томонидан ўтказилган руҳий ёки жисмоний тазйиқ, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари сабаб бўлганлиги бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Судланувчи С.Муфтуллаев суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, судланувчи С.Муфтуллоева опаси эканлигини, 2006 йилда З.Абруева билан турмуш қурганлигини, турмушлари давомида 2 нафар, яъни Тангриева Сабрина ва Тангриев Сардор исмли фарзандли бўлганликларини, Косон тумани, “Арабхона” МФЙ, Шухрат кўчаси, 8-уйда опалари С.Муфтиллаева, Н.Муфтиллаева, синглиси Х.Муфтиллаева, турмуш ўртоғи З.Абруева, вояга етмаган фарзандлари С.Тангриева ва С.Тангриевлар билан биргаликда яшаб келганликларини, опалари турмушга чиқмаганлиги сабабли, у билан биргаликда яшаб келишганлигини, Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги чўлда акаси “Бобошер” ва бошқа жиянлари билан биргаликда қўйларини боқиб кўпайтириш билан шуғулланганлигини, яшаш уйига бир ойда бир марта келиб, 10 кун қолиб, яна чўлга кетишлигини, турмуш ўртоғи З.Абруева яшаш уйида болаларига қараб, уларни овқат тайёрлаб, мактабига жўнатиб ва бошқа ишларни қилиб, уйда бўлганлигини, турмуш ўртоғи маҳалладан ҳар ойда болаларига бола пули ҳам олиб туришлигини, у чўлда қўй боқиб, уйга қайтиб келганида турмуш ўртоғи З.Абруева билан бирга ётмаслигини, яқин алоқада бўлмаслигини, тахминан 2015 йилдан буён турмуш ўртоғи билан билан бирга ётмаслигини, унга яқинлашмоқчи бўлиб олдига борса, болаларини қучоқлаб олишлигини, унга нима сабабдан бундай қилаётганлигини сўраганида, унга ҳеч нарса гапирмаслигини, шу сабабли у билан гап таллашиб қолганлигини, лекин уни умуман урмаганлигини, бу ҳолатдан норози бўлиб 2021 йилда опаси С.Муфтиллоевага “опа мен бошқа аёлга уйланаман, келинингиз мен билан ётмайди, ўзим топаман, мени уйлантирсанглар бўлди” деб айтганлигини,



шундан сўнг турмуш ўртоғи З.Абруевага “мен бошқа аёлга уйланаман, сен ҳам шу уйда яшайверасан, у ҳам шу уйда яшайверади” деб айтганлигини, турмуш ўртоғига шу гапларни айтганини қизи ва ўғли ҳам эшитиб турганлигини, у ҳар сафар, яъни ҳар ойда бир чўлдан уйга қайтиб келганида турмуш ўртоғи З.Абруевага “Сен билан яшамайман, бошқа аёл олиб келаман, сен ҳам шу уйда яшайсан, ҳохламасанг уйдан кет, ота-онанга ҳам айт” деб айтганлигини, турмуш ўртоғи унга “уйлансангиз уйланаверинг” деб айтганлигини, шу масалада тортишиб қолганликларини, шу вақт уларни жанжалига опаси С.Муфтуллоева кўшилиб, у ҳам З.Абруевага “укам билан бирга ётмасанг нима қиласан яшаб, ота-онанга айтиб, уйинга кет” деб айтганлигини, шундан сўнг 2023 йил март-апрель ойида “Исмоил” акасининг ўғли “Илёс”нинг уйига бориб, “Илёс”нинг турмуш ўртоғи “Гулмира”га “бошқа аёлга уйланишим керак, бирор қиз йўқми, қариндошинг бор эди эрга тегмаган” деб сўраганлигини, “ҳа қариндошим бор, унинг исми Севара, бироқ янгам борку, қандай бошқага уйланасиз” деб айтганлигини, унга “янганг менга қарамайди” деб айтганлигини, шундан кейин у “Севара қариндошим, ота-онасига айтиб кўраман” деб айтганлигини, шундан сўнг 2023 йил март-апрель ойида опаси С.Муфтуллоевага “Илёс жиянимнинг турмуш ўртоғи Гулмиранинг қариндоши борлигини, у билан гаплашиб кўргин рози бўлса, яшаш уйимга олиб келиб хотин қилиб яшайман” деб айтганлигини, опаси унга “хотининг билан сени юзлаштираман, кейин бошқа аёлнинг уйига совчиликка борамиз” деб айтганлигини, шундан сўнг 2023 йилнинг апрель ойи охирларида уйга келганида опаси С.Муфтуллоева ва “Гулмира” иш ҳал бўлганлигини, совчиликка бориш қолганлигини айтганлигини, шунда опаси С.Муфтуллоевага “совчиликка боринглар” деб айтганлигини, турмуш ўртоғи З.Абруевага ҳам “бир аёлнинг уйига опалар совчиликка боришади, у аёл ҳам шу уйда яшайди, сен ҳам шу уйда яшайсан” деб айтганлигини, турмуш ўртоғи З.Абруева унга “уйлансангиз уйланаверинг, мен онамнинг уйига кетаман, сиз билан яшамайман” деб айтганлигини, шундан кейин 2023 йил 8 май куни эрталаб опаси С.Муфтиллоева унга “бугун совчиликка борамиз” деб айтганлигини, сўнг опалари совчиликка бориб келишганлигини, шу куни кечки соат 23 ларда у З.Абруева билан уйда ўтирганида опаси С.Муфтиллоева келиб, унга “қизнинг уйига совчиликка бориб келдик, қиз сени кўргани келаркан” деб айтганлигини, турмуш ўртоғи З.Абруева ҳам бу гапларни эшитиб турганлигини, турмуш ўртоғи З.Абруевага “Сен ҳам шу уйда яшайсан, сен мен билан айвондаги уйда яшайсан, келин бўлиб келаётган аёл нариги уйда яшайди” деб айтганлигини, шундан кейин 2023 йил 9 май куни эрталаб соат 5 ларда туриб, уй ишларини қилганлигини, болалари ва турмуш ўртоғи билан биргаликда чой ичганликларини, шу куни соат 12 ёки 13 ларда опаси С.Муфтиллоева келиб уларга “нима қиладиган бўлдинглар, Зилола билан яшайсанми ёки яшамайсанми” деб айтганлигини, унга турмуш ўртоғи ҳам шу ерда яшашини айтганлигини, бу ҳолатдан жаҳли чиққан қизи



“Сабрина” соат 17 ларда ўзининг ҳамма кийимларини йиғиштириб, момосининг уйига кетганлигини, шу куни кечки соат 21 ларда турмуш ўртоғи “онангни уйига кетма, сен ҳам шу уйда яшайсан” деб айтганлигини, шу вақтда “Исмоил” акаси ҳам келиб, унга “Сен бир аёлни эплай олмайсан, бошқа аёлни бошинга урасанми, калланг ишлайдими сани” деб гапирганлигини, у ҳеч нарса демасдан уй ичига кириб кетганлигини, турмуш ўртоғи З.Абруева болалари ва унинг кийимларини айвонда ювишни бошлаганлигини, у ўғли “Сардор” билан уй ичида телевизор кўриб ўтириб, соат 2:00 ларда хожатхонага бориб келиб, яна хонага кириб ухлаганлигини, турмуш ўртоғи З.Абруева кирларни айвонда юваётганлигини, уйга кириб ухлаганидан сўнг орадан бир соатлар вақт ўтганидан сўнг қаттиқ гумбурлаган овоз эшитилганлигини, у ўрнидан турса турмуш ўртоғи жойида йўқ эканлигини, ўғли ухлаётганлигини, ташқарига чиққанида уй ёни, деворлари ерга йиқилган эканлигини, турмуш ўртоғи З.Абруева чақириб, ҳаммо жойни қидирганлигини, лекин топаолмаганлигини, сўнг бориб электрнинг токини афтоматдан ўчирганлигини, ёнғинни ўчириб сув сепа бошлаганлигини, шу вақтда ФВБ ходимлари ҳам етиб кетишганлигини, улар ёнғин жойини тозалаган вақтда одам жасади ҳам ёниб кетганлигини билганлигини, ушбу ҳолат қандай содир бўлганидан билмаслигини, ҳозирги кунда содир қилган ҳаракатларидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган 2 нафар фарзандлари борлигини, маҳрумнинг қонуний вакили Р.Абруевдан кечирим сўраганлигини, унинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи С.Муфтиллоева суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, Косон тумани, “Арабхона” МФЙ, Шухрат кўчаси, 8-уйда сингиллари Н.Муфтуллаева ва Х.Муфтуллаева, укаси И.Муфтуллаевнинг ўғли И.Тангриев, унинг турмуш ўртоғи “Мухлиса”, уларнинг “Асал” ва “Имрон” исмли фарзандлари, укаси С.Муфтуллаев, унинг турмуш ўртоғи З.Абруева, уларнинг “Сардор” ва “Сабина” исмли фарзандлари билан биргаликда яшашликларини, укаси С.Муфтуллаев чўпонлик қилишлигини, укаси С.Муфтиллаев унга “опа келинингиз Зилола кичик ўғлим туғилганига 10 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, умуман ўзини менга яқинлаштирмайди, хотинлик вазифасини бажармайди, менга бошқа хотин отиб беринг” деб айтганлигини, ундан бир неча бор келини З.Абруевага айтдингми бу гапларни деб сўраганида, у айтганлигини бирдирганлигини, шундан сўнг 2023 йил март ойида И.Муфтуллаевнинг ўғли И.Тангриевга қўнғироқ қилиб, унга “сен ишлаган маҳалла ҳудудида бирор-бир ёши катта бўлса ҳам қиз бола борми” деб айтганлигини, И.Тангриев унга “опа ундай аёллар йўқ бўлса керак, бир суриштириб кўришим керак, мени бошимни оғритмайдими эртага” деб айтганлигини, унга “амакинг мени тинч қўймапти, хар куни хотин топиб беринг” деб айтяпти деганлигини, у суриштириб кўришини айтганлигини, шундан сўнг 2023 йил апрель ойида И.Тангриев унга қўнғироқ қилиб “бир ёши катта қиз бор экан, фақат



ўзларингиз бориб гаплашасизлар” деб айтганлигини, у бу ҳақида укасига айтишини айтганлигини, укасига қўнғироқ қилиб, унга “бир аёл топилганлигини, сан хотинингни олдидан ўтганмисан” деб сўраганлигини, у “хотинимдан сўраганман, қайнонамдан ҳам сўраганман” деб айтганлигини, укаси унга “Сан менинг қайнонам ва қайнотамнинг олдига бориб, совчиликка бормоқчилигингни айтгин” деб айтганлигини, унга “уларнинг уйига бормайман, кўчада жанжал қилишини хохламайман” деб айтганлигини, шундан сўнг 2023 йил 8 май куни у сингли Х.Муфтуллаева ва опаси Г.Муфтуллаеваларга “укам Сойиб бошқа аёлга уйланаман деб айтяпти, бир аёлни топган экан” деб, совчиликка бориш кераклигини айтганлигини, улар “бормаймиз, бизларни қўшманг” деб айтганлигини, уларни кўндирганлигини, улар совчиликка борганлигини, шундан кейин 2023 йил 9 май куни келини З.Абруевага “Сен эрингга бошқа аёлга улансанг уйланавер деб айтудингми” деб сўраганида, у “ха айтганман” деганлигини, шундан кейин 2023 йил 9 май куни соат 13 ларда келини З.Абруеванинг онаси “Шохиста”га ўзининг телефонида қўнғироқ қилиб, унга “опа уйга келинг, қизингизни бир икки кунга уйингизга олиб кетинг, чунки укамиз Сойибга совчиликка борган қиз бизнинг уйни келиб кўрар экан, турмуш ўртоғи бўлмаса, рози бўлар экан” деб айтганида, у бақариб “мен Сойибга шунча яхшили қилдим, қизимнинг отаси ҳам, мен ҳам сизларнинг уйингизга бормайман” деб айтганлигини, бу ҳақида укаси С.Муфтиллаевга айтганлигини, ушбу ҳолат бўйича ўзаро гаплашганликларини, шу куни опа-сингиллари билан кино сериални телевизорда кўриб ўтирганларида, “Исмоил” укаси келганлигини, унга “келинингни боллари бор, қайси калла билан бошқа аёлга совчиликка бординг” деб айтганлигини, унга “укам Сойиб қўймади” деб айтганлигини, укаси “Исмоил” унга гапирганлигини, шундан кейин укаси “Исмоил” укаси С.Муфтиллаевга ҳам гапирганлигини, шундан кейин у 10 майга ўтар кечаси 1 ларда ухлаганлигини, шундан кейин соат 3 ларда жуда қаттиқ гумбурлаган овоз эшитилиб, ерлар қимирлаб кетганлигини, шундан сўнг ташқарига у, “Норбиби” ва “Холбиби” бақир-чақир қилиб чиққанлигини, ташқари тутун бўлиб, уйнинг бир қисми ёнаётганлигини, шу вақт укаси С.Муфтиллаев югуриб чиққанлигини, у укасидан “хотининг Зилола қаерда” деб сўраганлигини, укаси унга “Уйда йўқ, мен ухлаб қолибман” деб айтганлигини, кейин билишча келини З.Абруева ушбу ҳолат бўйича вафот этганлигини, ҳозирги кунда содир қилган ҳаракатларидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, аёл киши эканлигини, пенсияга чиққанлигини, маҳрумнинг қонуний вакили Р.Абруевдан кечирим сўраганлигини, унинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи С.Муфтиллаев ва С.Муфтиллоеваларнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги, ўзларининг айбларига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари:



-марҳумнинг қонуний вакили Р.Абруев суд мажлисида, марҳума З.Абруева опаси эканлигини, опаси З.Абруева 2006 йилда С.Муфтуллаевга турмушга чиққанлигини, уларнинг 2 нафар фарзандлари борлигини, опаси келин бўлиб тушган С.Муфтуллаевнинг яшаш уйида у билан биргаликда унинг опа-сингиллари, қайнакалари билан биргаликда яшашлигини, опаси З.Абруеванинг вафот этишига унинг турмуш ўртоғи С.Муфтиллаев ва қайнопаси С.Муфтиллаевалар сабабчи эканлигини, улар доимий равишда опасига тайзиқ ўтказиб келишганлигини, поччаси С.Муфтиллаев билан опаси З.Абруева бирга яшаб турган бўлишига қарамасдан, поччасини опаси С.Муфтиллоева укаси С.Муфтиллаевга бошқа аёлга уйлантиришини айтиб, совчиликка борганлигини, бунинг натижасида опаси рухий азоб кўрганлигини, опасини уйдан хайдаб юборишга ҳаракат қилишганлигини, ушбу ҳолат доимий равишда давом этиб келганлигини, оқибатида опаси З.Абруевани ўлимига сабаб бўлганлигини, ҳозирги кунда С.Муфтиллаев ва С.Муфтиллоевадан содир қилган ҳаракатларидан пушаймон бўлганликларини, шунингдек 2 нафар вояга етмаган жиянлари борлигини сабабли, уларга нисбатан даъвоси йўқлигини, уларга қонуний енгиллик беришни сўраб берган кўрсатуви;

-гувоҳ О.Барноев суд мажлисида, 2022 йил ноябрь ойидан буён Косон туманидаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаб ишлашлигини, у вилоят прокуратурасининг чақирувига асосан вояга етмаган қиз С.Тангриеванинг терговчи томонидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш жараёнига қатнашганлигини, у билан биргаликда сўроқ жараёнида Косон туманидаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Д.Каримова, вояга етмаган С.Тангриеванинг қонуний вакили Р.Абруевлар иштирок этганлигини, тергов вақтида вояга етмаган С.Тангриевадан терговчи сўраган вақтида бир уйда кўп киши бўлиб яшашлигини, аммалари уларга кун бирмаслигини, “Сабрия” исмли аммаси уларни уришини, агарда онаси аралашган вақтида уни ҳам уриб ташлишигини айтганини, яъни отасини аммалари бошқа аёл олиб бермоқчи бўлишганини, буни эшитган онаси “ўзимни ёқиб ўлдираман” деб айтганини эшитганини, жанжал бўлган вақтида “Сабрия” аммаси отасига “хотинингни чиқариб юбор уйдан” деб айтганини, отаси унга ҳеч нарса демаганини, сўнг “Сабрия” аммаси онасига “уйланадиган аёлнинг уйдагилари келиб уйингни кўришаркан, сен уйдан чиқиб кет” деб айтганини, онаси унга “эртага чиқиб кетаман, бугун байрам” деб айтганини, “Сабрия” аммаси яна онасига “кийимларингни ҳам олиб кет” деб айтганлигини, аммаси онасига кет деб айтаётганлигидан жахли чиқиб, у ҳам нарсаларини йиғиштирганини, онаси унга “уканга қарагин, ман кун кўрмадим, силар яхши яшанглар, укангни отанга берма, менга бирор нарса бўлса, тоғанг қарайди” деб айтиб, уйдан ўзининг тақинчоқларини ҳам олиб чиқиб берганини ҳақида айтганини эшитганлиги ҳақида берган кўрсатуви;



-гувоҳ Д.Каримова суд мажлисида, 2013 йилдан буён Косон туманидаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактабида тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб ишлашлигини, вилоят прокуратурасининг чақирувига асосан вояга етмаган қиз Тангриева Сабрина Сойиб қизининг терговчи томонидан гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш жараёнига қатнашганини, у билан биргаликда сўроқ жараёнида Косон туманидаги 9-сонли умумий ўрта таълим мактабининг маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари О.Барноев, вояга етмаган С.Тангриеванинг қонуний вакили Р.Абруевлар ҳам иштирок этганини, у вояга етмаган қиз С.Тангриеванинг кўрсатувини эшитганини, унинг кўрсатувларини тўлиқ эслай омаслигини, аммалари отасига “хотинингни чиқариб юбор уйдан” деб айтишганини, аммалари отасини бошқа аёлган уйлантиришмоқчи бўлишганини, онаси билан аммалари келиша олмаганлиги ҳақида айтганини эшитганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-гувоҳ Х.Муфтиллаева суд мажлисида, судланувчи С.Мутуллоева опаси, С.Муфтиллаев акаси эканлигини, З.Абруева билан акаси С.Муфтиллаев 2006 йилдан буён қонуний никоҳдан ўтиб, биргаликда яшаб келишганини, уларнинг икки нафар фарзанди борлигини, у ва опаси С.Муфтиллоев, акаси С.Муфтиллаев билан бир уйда яшашлигини, у бозорда савдо-сотик билан шуғулланганлиги сабабли, уйда кам вақт бўлашлигини, опаси С.Муфтиллоева унга З.Абруева уйларни йиғиштириш ёки болаларига қаттиқ гапирганлиги сабабли жанжал чиқарганлигини айтганлигини, 2023 йил 1 май куни акаси С.Муфтиллаев унга телефон қилиб, совчиликка бориш кераклигини, хотинининг устига хотин олишини айтганини, у акасига ва опасига бу гапларни йиғиштиришини, боласи борлигини, ақлини йиғиб олишини айтганини, опаси С.Муфтиллаев унга келин олиш ҳақида бир неча марта гапирган вақтида унга “бўлди менга гапирма илтимос, мен чарчадим” деб опасини гапини бўлиб ташлаганлигини, уларнинг ишларига аралашмаганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-гувоҳ Г.Муфтиллаева суд мажлисида, судланувчи С.Муфтиллоева синглиси, С.Муфтиллаев укаси эканлигини, мархума З.Абруева укаси С.Муфтиллаевнинг турмуш ўртоғи эканлигини, укаси С.Муфтиллаев 2023 йилнинг январь ойидан буён унга ва бошқа сингилларига доимий равишда “опа уйланаман, хотиним қарамайди, кийимларимга қарамайди, уйланишга қиз топинглар” деб айтганлигини, унга “қуруққа уйланмайсанку, хотининг уйлангани қўймайдику” деб айтганини, унга “йўқ, опа бошқа аёлга уйланаман” деб айтлигини, 2023 йил 6 май куни соат 15 ларда унга синглиси С.Муфтиллоева телефонида қўнғироқ қилиб, “опа Сойибга совчиликка борайлик, юринг” деб айтганлигини, унга “боролмайман, кеч бўлди, уйимда қизим йўқ, овқат қилишим керак” деб айтганлигини, унга “юринг опа, биз бормасак ким боради, бошқа аёл йўқ-ку борадиган, 2 соатда қайтамиз” деб айтганлигини, унга “майли тайёр бўлиб тураман, уни олиб кетасизлар” деб айтганлигини, шунда сўнг



синглиси Х.Муфтиллоева, унинг турмуш ўртоғи “Мейли” биргаликда “Севара” исмли қизнинг уйига совчиликка боришганини, уларни жияни “Илс”нинг турмуш ўртоғи олиб борганини, қизнинг онаси уларга “йўқ, оиласи бор эркакка қизимни беролмайман” деб айтиб, уларга рад жавобини беришганини, шундан сўнг уларнинг ишларига аралашмаслигини билдириб уларни уйга жўнатиб юборганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-гувоҳ Г.Шерданова суд мажлисида, марҳума З.Абруева янгаси, яъни турмуш ўртоғи И.Тангриевнинг амакиси С.Муфтиллаевнинг турмуш ўртоғи эканлигини, С.Муфтиллаев чўлдан мол боқишдан келган вақтлари унга овқат пишириб берганини, С.Муфтиллоев уларнинг уйига келган вақтида “Менга хотиним Зилола умуман қарамайди, уйга келсам менга ха демайди, холимдан хабар олмайди, иссиқ овқат қилиб бермайди” деб айтганини, С.Муфтиллаев уларнинг уйи олдида велосепидда келиб унга “келин менга битта яхшироқ қиз топиб бер, менга қарайдиган бўлсин” деганини, унга “амаки сизнинг хотинингиз борку, бўйи етган болларингиз ҳам бор, қандай қилиб уйланасиз” деб айтганлигини, унга “иккита хотиним бир ховлида мен билан яшайди, иккаласини ҳам боқа оламан, уйланишимга янганг Зилола ҳам рози” деганлигини, шундан сўнг унга “амаки битта Севара исмли қиз бор, 1988 йил, турмушга чиқмаган қиз” деб айтганини, у “яхши рўзғор қиладиган қизми” деб сўраганини, у “Ха яхши қиз, рўзғорни яхши қилади” деб айтганини, 2023 йил 5 ёки 6 май куни қариндошлари билан Севаранинг уйига боришганини, у ичкарига кирмасдан кўчада қолганини, улар орадан бироз вақт ўтиб Х.Муфтиллоева ва Г.Муфтиллоевалар чиқишганини, улардан нима бўлаганини сўраганида, унинг саволлари жавоб беришмаганини, у бошқа ушбу ишларга аралашмаганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-гувоҳ И.Тангриев суд мажлисида, судланувчи С.Муфтуллаев амакиси, С.Муфтиллоева аммаси эканлигини, марҳума З.Абруева янгаси эканлигини, 2023 йил март-апрель ойидан аммаси С.Муфтуллаева телефон қилиб, амакиси С.Муфтуллаевни уйлантирмоқчи эканлигини, унга турмуш ўртоқ қидираётганлигини, амакиси уни қўярга қўймай уни уйлантиринг бошқа аёл топиб беринг деб айтганлигини, унинг турмуш ўртоғи З.Абруеванинг қайнона-қайнотасидан розилик сўрашганлигини айтганлиги сабабли, унга кўнғироқ қилаётганлигини айтганини, унга “аниқми, мени алдамаяпсизми, эртага жанжал бўлиб, мен ўртада қолиб кетмайманми” деганида, аммаси унга “йўқ, алдаётганим йўқ” деб айтганини, у рози бўлиб, амакисига кўнғироқ қилиб, унга “қайнона қайнотангиз ҳам сизнинг уйланишингизга розими” деб сўраганида, унга “янганг ҳам, унинг ота-онаси ҳам рози, майли уйланаверинг деб айтди” деб айтганлигини, аммасига кўнғироқ қилиб, “бир қиз топдим, бироқ у амакинг ажрашмагунча тегмайман деб айтяпти, ўзлариз бориб гаплашиб кўринглар” деганлигини, аммаси унга “майли амакинг билан гаплашиб кўраман” деганини, “Гулшод” ва “Холбиби” аммасини турмуш ўртоғи



“Гулмира” қариндоши “Севара”нинг уйига совчиликка олиб берганини, улар рози бўлишмаганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-гувоҳ Н.Муфтиллаева суд мажлисида, судланувчи С.Муфтиллоева опаси, С.Муфтиллаев укаси эканлигини, марҳума З.Абруева келини эканлигини, С.Тангриев, С.Тангриева жиянлари эканлигини, укаси С.Муфтиллаев уйланаман деб юрганлигини эшитганлигини, шунда С.Муфтуллоева унга уйлантираман деб айтганида, у қаршилиқ қилганлигини, бозорда савдо қилишлиги сабабли Тошкент шаҳрига кетганлигини, қайтиб келган вақтида ушбу холатларидан хабар топганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-гувоҳ С.Шодмонова суд мажлисида, З.Абруева қайнопаси эканлигини, қайнопаси З.Абруева уларнинг уйига тез-тез келиб туришини, болалари мактабда бўлган вақтида ўзи, мактабга бормаган кунлари болалари билан биргаликда келиб кетиб туришини, қайнопаси З.Абруевага кўнғироқ қилган вақтида, асосан унинг қайнопаси С.Муфтуллоева ва қайнакаси “Исроил”нинг унга гапириб, унинг ҳаракатларидан норози бўлиб юрганлигини, унга бақириб гапирганлигини эшитганини, З.Абруеванинг уйда уруш-жанжал бўлганида ҳам уларга кўнғироқ қилиб айтмаслигини, балки унинг уйдагилари кўнғироқ қилиб, “қизинг ундай, қизинг бундай” деб қайнонасига гапиришганидан хабари борлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-гувоҳ З.Абруева суд мажлисида, марҳума Абруева Зилола синглиси эканлигини, синглиси Абруева Зилола 2006 йил ёз ойида С.Муфтиллаев билан қонуний никоҳ асосида турмуш қурганлигини, онаси Ш.Давроновани айтишича, 2023 йил 9 май куни онаси сингли Абруева Зилола билан телефон орқали гаплашганида синглиси онасига “она эрим яхши, ётибди, мен кир ювяпман, шу пайт қайноғам “Исмоил” ва қайниопам “Сабрия” эримни олдиға чақириб бу оилангни уйдан чиқар, одамни шарманда қилдинг, биз уларға вада берганмиз, боласи йўқ деганида куёвез уларға мен уйланмайман деди” деб айтгани ҳақида айтганлигини, буни ҳақида унга онаси айтганлигини, синглиси билан у доим гаплашган вақтида унга бошидан ўтаётган оилавий қийинчиликлар уруш-жанжаллар ҳақида айтганлиги ҳақида берган кўрстауви;

-гувоҳ Ш.Давронова суд мажлисида, марҳума З.Абруева қизи эканлигини, 2022 йил ёз ойида қизи З.Абруевани қайнопаси С.Муфтиллоева қизини уриб, кўлидан тишлаганини, қайнопаси Г.Муфтиллоева ҳам қизини турмуш ўртоғини бошқа аёлга уйлантиришини, уйдан чиқиб кетишини айтганлигини, 2023 йил 9 май куни соат 14 атрофида қизини қайнопаси С.Муфтиллоева унга телефон қилиб, “қизингизни олиб кетинг, эртаға совчилар келади, уйларни кўради, қудалар келади, уйни бўшатиш керак, болалари ҳам кетиши керак” деб айтганлигини, қизи З.Абруеваға телефон қилиб, унга “нима бўлаяпти” сўраганида, турмуш ўртоғининг опалари ўртаға олаётганлиги, турмуш ўртоғини уйлантирмоқчи эканлигини айтганлигини, шу вақтда узоқдан



“нарсаларингни йиғиштир Зилол” деган гапларини эшитганини, қизига сабр қилишини айтганлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-вояга етмаган гувоҳ С.Тангриев қонуний вакили И.Муфтиллаевнинг иштирокида, судланувчи С.Муфтиллаев отаси, марҳума З.Абруева онаси, судланувчи С.Муфтиллоева аммаси эканлигини, отаси даштда мол боқиб, чўпонлик қилишини, у 6-синфда ўқиган вақтларида, аммаси С.Муфтиллоева ҳамма қариндошларига отаси С.Муфтиллаевни бошқа аёлга уйлантирмоқчилигини, онаси отасига қарай олмаётганлигини, отаси онасига яна “бошқа аёлга уйланаман” деб айтганини, 2023 йил 8 май куни аммалари совчиликка боришганлигини, шундан кейин 2023 йил 9 май куни соат 16 ларда С.Муфтиллоева онасига “10 май куни укам “Сойиб”ни уйлантирмоқчи бўлган аёл уйни кўргани келади, сизлар уйни бўшатиб қўйинглар” деб айтганини, отаси онасига “сен ҳам шу уйда яшайсан, у келган вақтида сен бошқа хонага чиқиб тургин ёки уйинга кетиб 2-3 кундан кейин кел, у молларга қарайди, сен эса уй ишларини қилиб юрасан” деб айтганини, шу куни кечки соат 23:20 да онаси айвонда кирларни юваётганини, шундан кейин кечаси 3 ларда аммаси С.Муфтиллоева уни уйқусидан уйғотиб, унга “тур ўрнингдан уй портлади” деб айтганини, шундан кейин билишича онаси З.Абруева вафот этган эканлиги ҳақида берган кўрсатуви;

-бундан ташқари, билдирги, 2023 йил 10 майдаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённома ва унга илова чизма, фотосуратлар, 2023 йил 11 майдаги ҳодиса содир бўлган жойни қўшимча кўздан кечириш тўғрисида баённома, 2023 йил 11 майдаги нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақида баённома, 2023 йил 12 майдаги ҳодиса содир бўлган жойни қўшимча кўздан кечириш тўғрисида баённома, 2023 йил 13 майдаги нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақида баённома ва унга илова фотосуратлар, 2023 йил 17 майдаги нарсани олиш ва кўздан кечириш ҳақида баённомалар, суд тиббий экспертизанинг 09.06.2023 йилдаги 147-мурда-сонли хулосаси, судга оид трасология экспертизасининг 10.05.2023 йилдаги 278-сонли хулосаси, суд кимёвий экспертизанинг 16.06.2023 йилдаги 29/8058-сонли хулосаси, суд ёнғин техникавий экспертизасининг 16.06.2023 йилдаги хулосаси, одам ДНКси суд биологик экспертизасининг 14.06.2023 йилдаги 29/7827-сонли хулосаси, қўшимча суд тиббий экспертизанинг 27.06.2023 йилдаги 47-қўш сонли хулосаси, Қарши Давлат университетининг психология кафедраси томонидан 21.07.2023 йилда берган хулосаси, 2023 йил 4 августдаги нарсани олиб қўйиш ҳақида баённома, тушунтириш хатлари, ёзма ва ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисида қарор, сўроқ қилиш баённомалари ва ишда мавжуд бошқа далиллар билан ўз исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи С.Муфтиллаевнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан, судланувчи С.Муфтиллоеванинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида:

Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

-8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амалга қилишга қаратилиши;

-3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчиларга жазо тайинлашда, қайд қилинган қонун талабларига ҳамда Олий суд Пленуми қарорининг тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи С.Муфтиллаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, айбига иқроор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини, қарамоғида вояга етмаган 2 нафар фарзандлари борлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, марҳумнинг қонуний вакили З.Абруевнинг даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраганлигини, муқаддам судланмаганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, юқорида қайд этилган енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни, жазо муддатини у қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни;



судланувчи С.Муфтиллоевага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг шахсини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини, аёл киши эканлигини, пенсияга чиққанлигини, марҳумнинг қонуний вакили З.Абруевнинг даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраганлигини, муқаддам судланмаганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб баҳолаб, юқорида қайд этилган енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, уни эҳтиёт чораси тариқасида уй қамоғида бўлган муддатини ЖКнинг 62-моддасига асосан қамоқда бўлган ҳар бир кунини озодликни чеклашни бир кунига тенглаштириб, тайинланадиган жазодан чегиришни, унга нисбатан муайян тақиқ ва чеклашлар юклашни, унга нисбатан қўлланилган уй қамоғи эҳтиёт чорасини бекор қилишни, унга нисбатан ҳукм қонуний кучга киргунга қадар муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўллашни лозим топди.

Суд, марҳумнинг қонуний вакили Р.Абруевнинг даъвоси йўқлигини қайд қилишни, марҳумнинг қонуний вакили Р.Абруевга бошқа етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик судлови тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Суд, ёзма далил деб эътироф этилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, мурдани ташқи томондан кўздан кечириш баённомаси, суд тиббий экспертизанинг 09.06.2023 йилдаги 147-мурда-сонли хулосаси, қўшимча суд тиббий экспертизанинг 27.06.2023 йилдаги 47-қўш сонли хулосаси, судга оид трасология экспертизасининг 10.05.2023 йилдаги 278-сонли хулосаси, суд ёнғин техникавий экспертизасининг 16.06.2023 йилдаги хулосаси, суд кимёвий экспертизанинг 16.06.2023 йилдаги 29/8058-сонли хулосаси, одам ДНКси суд биологик экспертизасининг 14.06.2023 йилдаги 29/7827-сонли хулосаси, эксперимент баённомаси, С.Муфтиллаева, С.Муфтиллаев, З.Абруеванинг телефон қўнғироқлари детализациясини жиноят ишига қўшилганлигини қайд қилишни лозим топди.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган маҳрума З.Абруевага тегишли бўлган, унинг қизи С.Тангриева томонидан тақдим қилинган 1 дона сариқ рангли сепочка, 1 дона сариқ рангли аёллар узуги, 1 жуфт яшил тоши бўлган сирға, 1 дона катта яшил тошли аёллар узуги, бир жуфт катта қизил тоши бўлган зирак, 1 дона япроқсимон, металдан ишланган аёллар узуги, 1 дона оч зангари қора рангли аёллар узуги, 3 дона тошли аёллар сирғаси, 1 жуфт халқасимон майда тошли аёллар зираги, 1 дона капалак шаклидаги аёллар сепочкаси марҳума З.Абруеваининг қизи С.Тангриевага қайтарилганлигини қайд қилишни, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан



кечириш жараёнида олинган 1 дона 5 литр хажмдаги газ баллонни, 1 дона ёниб кетган музлатгич каробкасини, ҳодиса содир бўлган куни 3.Абруеванинг бўйин соҳасида ўралган ва ёнғин натижасида қорайган сим бўлагини тегишли тартибда йўқ қилишни, 1 дона 25 литр хажмдаги газ баллонни, 1 дона 50 литр хажмдаги газ баллонни судланувчи С.Муфтиллоевага қайтаришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Жинойт-процессуал кодекси 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

1. Судланувчи Муфтиллаев Сойиб Тангриевич(Muftillayev Soyib Tangriyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “а,в” бандларида назарда тутилган жинойтни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи С.Муфтиллаевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин. Жазо муддати у қамоққа олинган кун, яъни 2023 йил 4 август кунидан бошлаб ҳисоблансин. Судланувчи С.Муфтиллаевнинг эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

2. Судланувчи Муфтиллоева Сабрия Тангриевна(Muftilloyeva Sabriya Tangriyevna) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жинойтни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи С.Муфтиллоевага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 103-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи С.Муфтиллоеванинг эҳтиёт чораси тариқасида 2023 йил 5 август кунидан 2024 йил 23 февралга қадар уй қамоғида бўлган 203 кунни ЖКнинг 62-моддасига асосан ҳар бир кунини озодликни чеклашни бир кунига тенглаштириб, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегириб, унга ўташ учун 2 (икки) йил 5 (беш) ой 7 (етти) кун кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин ва сутканинг кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 06:00га қадар яшаш жойи, яъни Косон тумани, “Арабхона” МФЙ, Шуҳрат кўчаси, 8-уйидан чиқиши чеклансин.

С.Муфтиллоеванинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар юклатилсин:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

- Қашқадарё вилояти ҳудудидан чиқмаслик.

Озодликни чеклаш жазосининг муддати Косон туман ИИО ФМБ Пробация гуруҳига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин, ҳукм



ижросини назорат қилиш Косон туман ИИО ФМБ Пробацяя гуруҳи масъул ходимлари зиммасига юклатилсин.

Судланувчи С.Муфтиллоевага нисбатан қўлланилган уй қамоғи эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва унга нисбатан ҳукм қонуний кучга киргунга қадар муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилсин.

Марҳумнинг қонуний вакили Р.Абруевнинг даъвоси йўқлиги қайд қилинсин.

Марҳумнинг қонуний вакили Р.Абруевга бошқа етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, фуқаролик судлови тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ёзма далил - ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, мурдани ташқи томондан кўздан кечириш баённомаси, суд тиббий экспертизанинг 09.06.2023 йилдаги 147-мурда-сонли хулосаси, қўшимча суд тиббий экспертизанинг 27.06.2023 йилдаги 47-қўш сонли хулосаси, судга оид трасология экспертизасининг 10.05.2023 йилдаги 278-сонли хулосаси, суд ёнғин техникавий экспертизасининг 16.06.2023 йилдаги хулосаси, суд кимёвий экспертизанинг 16.06.2023 йилдаги 29/8058-сонли хулосаси, одам ДНКси суд биологик экспертизасининг 14.06.2023 йилдаги 29/7827-сонли хулосаси, эксперимент баённомаси, С.Муфтиллаева, С.Муфтиллаев, З.Абруеванинг телефон қўнғироқлари детализацияси жиноят ишига қўшилганлиги қайд қилинсин.

Ашёвий далил - маҳрума З.Абруевага тегишли бўлган, унинг қизи С.Тангриева томонидан тақдим қилинган 1 дона сариқ рангли сепочка, 1 дона сариқ рангли аёллар узуги, 1 жуфт яшил тоши бўлган сирға, 1 дона катта яшил тошли аёллар узуги, бир жуфт катта қизил тоши бўлган зирак, 1 дона япроқсимон, металдан ишланган аёллар узуги, 1 дона оч зангари қора рангли аёллар узуги, 3 дона тошли аёллар сирғаси, 1 жуфт халқасимон майда тошли аёллар зираги, 1 дона капалак шаклидаги аёллар сепочкаси марҳума З.Абруеваининг қизи С.Тангриевага қайтарилганлиги қайд қилинсин.

Ашёвий далил - ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида олинган 1 дона 5 литр хажмдаги газ баллон, 1 дона 25 литр хажмдаги газ баллон, 1 дона 50 литр хажмдаги газ баллон, 1 дона ёниб кетган музлатгич каробкаси, ҳодиса содир бўлган куни З.Абруеванинг бўйин соҳасида ўралган ва ёнғин натижасида қорайган сим бўлаги тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ашёвий далил - ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида олинган 1 дона 25 литр хажмдаги газ баллон ва 1 дона 50 литр хажмдаги газ баллон судланувчи С.Муфтиллоевага қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ва марҳумнинг қонуний вакили эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 10 сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди



жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

З.Жумаев

